



КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА ТАННАРХ ҲИСОБИ ТУШУНЧАСИ

Абдухолиқова Фарангиз

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0008-0108-0993

farangizabduxoliqova57@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижаларини баҳолашда бухгалтерия ҳисоби корхонанинг ривожланиш имкониятларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида корхона фойдасининг миқдорига қараб корхонанинг маълум бир даврдаги фаолият натижаларига баҳо бериш мумкинлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: корхоналар фаолияти, барқарор ривожланиш, рақобатбардошлик, бухгалтерия ҳисоби, корхона, ривожланиш, фойда, ўсиш.

ПОНЯТИЕ УЧЕТА СЕБЕСТОИМОСТИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Абдухолиқова Фарангиз

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье особое внимание уделяется значению бухгалтерского учета как одного из средств оценки результатов деятельности хозяйствующих субъектов в целях развития предприятия. С помощью бухгалтерского учета обосновывается возможность оценки результатов деятельности предприятия за определенный период в зависимости от размера полученной предприятием прибыли.

Ключевые слова: деятельность предприятия, устойчивое развитие, конкурентоспособность, бухгалтерский учет, предприятие, развитие, прибыль, рост.

THE CONCEPT OF COST ACCOUNTING IN ENTERPRISE ACTIVITIES

Abdukholiqova Farangiz

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article pays special attention to the importance of accounting as one of the means of assessing the results of economic entities for the purpose of enterprise development. With the help of accounting, the possibility of assessing the results of an enterprise for a certain period is substantiated depending on the amount of profit received by the enterprise.

Keywords: enterprise activity, sustainable development, competitiveness, accounting, enterprise, development, profit, growth.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев (2017) “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак” деб номланган асарида “Биринчи – ислохатларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражаси, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш” деб қайд этдилар. Бундан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоботларида акс эттириладиган ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатлар ва таннарх, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражаси каби кўрсаткичлар бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу масалалар бошқарув ҳисобининг асосий объектлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг (2017) Олий Мажлисга мурожаатномасида “Иқтисодиёт – бу ҳисоб-китоб дегани. Ҳар бир ишимизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим. Акс ҳолда, ҳамма ишимиз эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади” – деб таъкидлаганлари ҳам бухгалтерия ҳисоб-китоб ишларини замонавий даражага кўтаришни кўзда тутди.

Шу муносабат билан мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш учун бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, мамлакатимизда МҲХСларига ўтишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 мартдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари билан йиллик молиявий ҳисоботнинг МҲХСларига мувофиқ эълон қилиниши ва уни Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) асосида ташқи аудитдан ўтказилиши бўйича вазифалар юклатилди.

Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқотчи олим Астанованинг (2012) “Харажатлар ҳисобининг ривожланиши ва унинг бошқарув ҳисоби тизимидаги ўрни” номли мақоласида таннарх ҳисобининг юзага келиши ва уни тараққий эттиришда олимларнинг ҳиссалари баён қилинган. Уларнинг асосийларини қайд этамиз. “Ўн саккизинчи асрларга келиб ишлаб чиқариш харажатлари тизими қўлланила бошланди.

Биринчи бўлиб Жеймес Додсон (1755) томонидан бухгалтерия техникаси ва ишлаб чиқаришнинг натурал-қиймат ҳисоби асосланган. Чарльз Беббич биринчи марта ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш ғоясини илгари сурган.

Харажатлар ҳисобини ривожлантиришда француз олимлари катта ҳисса қўшишган. Масалан, Жан Густав-Сенель (1813-1893) харажатлар назарияси ва костингнинг моҳиятини тадқиқ этиб, биринчи марта харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисобга олиш тартиблари ўртасидаги фарқни асослаб берган.

Германияда саноатнинг ривожланиши саноат маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш вазифасини биринчи ва муҳим оимлар қаторига олиб чиқади. Альберт Кальмес (1998) маҳсулот таннархини ҳисоблаш заруриятини илмий жиҳатдан асослади. У ўз ишларида саноат ҳисоби назариясини асослаб берди. А.Кальмес корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариша бўлишни тавсия этди.

Рус олими А.П.Рудаковский иккита таннархни ҳисоблашни таклиф этади: биринчиси – меъёрий харажатлар бўйича; иккинчиси – ҳақиқий харажатлар бўйича. В.И.Стоцкий фанда илк марта костингнинг бир қатор таснифларини ишлаб чиққан. У биринчи марта харажатларни тўғри ва эгри, асосий ва иккиламчига ажратади (Астанова, 2012)”.
Ушбу тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, юқоридаги олимларимизнинг ишлари бугунги кунда таннарх ҳисобининг юзага келиши, харажатлар ҳисоби концептлари шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, статистик маълумотлар асосида уларни таҳлиллари амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Таннарх ҳисобининг дастлабки юзага келишини ўн еттинчи асрнинг бошларида кузатиш мумкинли эътироф этилган. 1610-1620 йилларда Роберт Лодер томонидан фермер хўжалиги счетларини юритиш жараёнида таннарх ҳисоби белгиларини кўриш мумкин. XVIII аср ишлаб чиқариш тизимининг кенг механизацияси йирик саноат ишлаб чиқарувчиларни юзага келтирди. 1805 йилда Англияда саноат ишлаб чиқаришида завод қийматини аниқлашга дастлабки уринишлар бўлган. Лекин, таннарх тушунчаси саноат соҳасидаги олимлар томонидан 1870 йилларда фойдаланилган ва асослаб берилган. Дастлабки, таннарх тушунчаси, маҳсулотни тайёрлаш қиймати, харажатларни тақсимлаш, завод счетларининг қўлланилиши ва принципларига оид мақолалар 1895-1901 йилларда Лондон ва Нью-Йоркдаги соҳага оид нашрларда чоп этирилган.

1887 йилда англиялик иқтисодчи олимлар Дж.М. Фелса ва Э. Гарке “Ишлаб чиқариш счетлари: принциплари ва юритиш амалиёти” номлаи китобини чоп эттириди. Ушбу китобда харажатларнинг нормативлари ва уларнинг назорат тизимида қўлланилиши ҳамда харажатларни фикслашган (ҳозирги доимий) ҳамда ўзгарувчан харажатларга бўлиш таклиф этилган. Ишлаб чиқаришнинг харажатлари тўғрисидаги ахборотларнинг зарурлиги тўғрисида XX асрнинг бошларида Г. Эмерсон томонидан ёзилган “Меҳнат унумдорлиги оператив ишлар ва иш ҳақи асоси сифатида” номли китобида асослаб берган.

Иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларида харажатлар таннарх ҳисоби тизими сифатида юзага келмоқда. Таннарх ҳисоби тизими - бу таннарх объектига доир бўлган ахборотларни ўлчаш, ёзувини амалга ошириш, таҳлил ва интерпритация қилиш ҳамда таннарх ҳисоботини тузишда қўлланиладиган мунтазам-даврий жараёнлар ва процедуралар мажмуасидан иборатдир.

Таннарх ҳисоби бошқарув (менежментлик) ҳисобининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у нафақат менежментни ахборот билан таъминлайди, балки менежментлик ҳисобининг бошқа таркибий қисмлари учун ҳам ахборот манбаи ҳисобланади. Шу боис, таннарх ҳисоби бошқарув (менежментлик) ҳисобининг фундаментини, яъни унинг асосини ташкил этади десак айнан ҳақиқат бўлади. Соҳа бўйича энг нуфузли ташкилот CIMA институти Таннархни ҳисоблаш (Costing), Таннарх ҳисоби (Cost accounting) ҳамда Таннарх бухгалтери (Cost Accountancy) тушунчаларига алоҳида тавсифлар келтирган:

“Таннархни ҳисоблаш (Костинг) – бу таннархни аниқлашда қўлланиладиган методлар (techniques and) мажмуаси ҳамда уни ҳисоблашни амалга ошириш жараёнидир (processes). Ушбу методлар маҳсулотлар ва хизматлар таннархини аниқлаш процедурасини тартибга солувчи принциплар ва қоидалардан иборат бўлади. Ушбу методлар турли маҳсулотлар ва хизматлар таннархини аниқлашда саноат тармоқларининг хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.”

Бошқа манбаларда ҳам шу каби тавсифлар келтирилган: “Костинг – бу қуйидагиларни аниқлашда қўлланиладиган принциплар ва қоидалардир: (а) маҳсулотлар, мисол учун кимё маҳсулотлари, телевизор ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи ҳамда (б) хизматлар, мисол учун электр энергияси, транспорт ва бошқа хизматларни таъмин этиш таннархи.”

Бизнинг амалиётимизда таннархни ҳисоблаш “маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархи костингси”, рус тилида костинг «себестоимости продукции (работ, услуг)» деб юритилади. “Calculatio”¹ лотинча сўздан олинган бўлиб счет, яъни жамини чиқариш маъносини англатади. Европа ва АҚШдаги дарсликларида ҳамда халқаро стандартларда маҳсулот таннархини ҳисоблашда “calculation” атамасидан фойдаланилмаган. Таннарх ҳисоби масалаларни ўрганишда энг кўп қўлланиладиган атамалардан бири бу костингдир. Масалан, бошқарув ҳисобида костингнинг қуйидаги турдаридан фойдаланамиз: “costing method, absorption costing, variable (direct) costing, process costing, activity-based costing, actual costing, standard costing, average costing, functional costing, historical costing, constraint-based costing, continuous operation costing, contract costing, normal costing, job_order costing”. **Бу тушунчаларнинг ҳар бири битта мавзу. Ушбу атамаларни калкуляция деб таржима қилсак, унинг асл моҳиятини тўлиқ ифодаб бера олмайди.** Шу сабабли, калкуляция атамасининг ўрнига Костинг тушунчасини қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таннарх ҳисоби (Cost accounting) – бу операциялар, жараёнлар, фаолиятлар ёки маҳсулотлар бюджетлари, стандарт таннархи ва ҳақиқий таннархини ўрнатиш ҳамда юзага келган четланишлар, рентабеллик даражаси ва фондлардан ижтимоий фойдаланиш таҳлилидан иборатдир.

Соҳанинг таниқли олими Уэлдон “Таннарх ҳисоби – бу менежмент томонидан назорат ва бошқарувнинг амалга оширилиши мақсадида тартибга солинган маълумотлар бўйича тақдимотни тайёрлаш учун харажатларни таснифлаш, қайд қилиш ва мутаносиб равишда тақсимлаш асосида маҳсулотлар ва хизматлар таннархини аниқлашдир.”

Хулоса ва таклифлар.

Таннарх ҳисоби асосан ресурсларнинг, жумладан метериаллар, меҳнат ва машина ва асбоб-ускуналарнинг сарфланиши билан боғлиқ жараёнларни қамраб олиб, унинг мақсади менежментни улар томонидан баҳоларни белгилаш, маҳсулотларни танлаш, захираларнинг оптимал миқдорини белгилаш, уларнинг сарфланиши ҳамда омборларда сақланишига оид қарорлар қабул қилишлари учун маҳсулот таннархи, жараён таннархи, хизматлар, жумладан коммунал хизматлар таннархи, захиралар таннархи ва бошқалар тўғрисида ахборотлар билан таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Albert Calmes, (1998) *La révolution de 1848 n'a pas eu lieu - L'historiographie de tradition orangiste et l'oeuvre d'Albert Calmes*; in: forum (Luxembourg), No. 185 (July), p. 52-53.

James Dodson (1755), *The Mathematical Repository*, Vol. III.

Jean Gustave (2009) *Courcelle-seneuil // Annuaire prosopographique : la France savante / под ред. B. Delmas, P. Mamuc.*

Астанова Ф.А. (2012) *Харажатлар ҳисобининг ривожланиши ва унинг бошқарув ҳисоби тизимидаги ўрни.* // <https://cyberleninka.ru/article/n/harazhatlar-isobining-rivozhlanishi-va-uning-bosh-aruv-isobi-tizimidagi-rni/viewer>.

Мирзиёев Ш.М. (2017) *Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. 2017 йил 14 январь.* -Тошкент: “Ўзбекистон”, -26 б.

Мирзиёев Ш.М. (2017) *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 23 декабрь. №258. 3 б.*

¹ <https://yandex.ru/yandsearch?clid=2039342>